

МУҚАННА ЁХУД ҲАҚИҚАТ ҲАМ ПАРДА ОРТИДА (МИ)?

Вазиров Хайитбой Шералиевич

Касби тумани мактабгача ва мактаб таълими бўлими тасарруфидаги 53-умумий ўрта таълим мактаби директори, тарих фани ўқитувчиси.

Аннотация. Муқанна кўзғолони (VIII аср) Ўрта Осиё тарихининг энг мураккаб ва баҳсли воқеаларидан биридир. Совет даври тарихшунослигида у миллий-озодлик харакати сифатида талқин этилган бўлса-да, кейинги тадқиқотлар кўзғолоннинг диний-фалсафий ва ижтимоий жиҳатларини очиб бермоқда. Ушбу мақолада Муқанна шахсияти, унинг ғоялари ва кўзғолоннинг моҳияти қиёсий манбалар асосида таҳлил қилинади. Шунингдек, Муқаннанинг астрономик тажрибаси — қуёш нурларини ойналар ва симобли кўзгу орқали акс эттириш ҳодисаси — замонавий оптик тизимлар билан қиёсланиб, ўша давр илмий тафаккурининг илғор намунаси сифатида баҳоланади. Тадқиқот натижалари Муқанна кўзғолонини фақат миллий-озодлик харакати сифатида эмас, балки диний-фалсафий оқим ва илмий тажриба сифатида ҳам кўриш зарурлигини кўрсатади.

Калит сўзлар: Муқанна; Оқ кийимлилар кўзғолони; Ўрта Осиё тарихи; диний синкретизм; Маздакийлик; астрономия; оптик тажриба; Наршахий; Шамахий расадхона.


Abstract. The Mukanna Uprising (8th century) is one of the most complex and controversial events in the history of Central Asia. Although in Soviet historiography it was interpreted as a national liberation movement, subsequent studies reveal the religious, philosophical and social aspects of the uprising. This article analyzes the personality of Mukanna, his ideas and the essence of the uprising based on comparative sources. Also, Mukanna's astronomical experiment - the phenomenon of reflecting sunlight through mirrors and a symbolic mirror - is compared with modern optical systems and evaluated as an advanced example of scientific thinking of that time. The results of the study show that the Mukanna Uprising should be viewed not only as a national liberation movement, but also as a religious and philosophical movement and scientific experiment.

Keywords: Mukanna; White-robed Uprising; History of Central Asia; religious syncretism; Mazdaism; astronomy; optical experiment; Narshahi; Shamakhi observatory.


Муқанна ёхуд ҳақиқат ҳам парда ортида (ми)?

1-қисм. “ Оқ кийимлилар хуружи “

Ватанимиз тарихини ўрганишга бўлган қизиқиш, истиқлолдан сўнг янада кучайди. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан 2026-йилнинг 17-март куни очилган Ислом цивилизация маркази бутун дунёни лол қолдирар даражада тарихимизга янги саҳифа бўлиб кирди. Ушбу мухташам кошонанинг очилиш



маросимида “ Азалдан турли цивилизация ва маданиятлар туташган минтақада жойлашган юртимиз замини Буюк ипак йўли ривожда муҳим ўрин эгаллаган. Кўхна диёримиз исломгача бўлган даврда ҳам илм-фан, маърифат маркази сифатида шуҳрат қозонган. Қадимий Туркистон ўлкасига ислом дини кириб келгач, бу ерда ҳадис ва калом илми, мусулмон ҳуқуқи, тасаввуф бўйича йирик мактаблар шаклланди, ўнлаб буюк алломалар етишиб чиқди”деб таъкидлаб ўтдилар.Мустабид империя даврида тарихни ўрганишда синфийлик тамойили ёки унинг ижтимоий ахамиятига қаратилган, тарихий воқеаларни ёритишда асосан оқ ёки қора, яхши ёхуд ёмон тарзда баҳоланарди. Тарих фанлари доктори Ҳ.Зиёев “ Тарих – ўтмиш ва келажак кўзгусидир “ номли китобида Совет даврида тарихчиларнинг 769-783-йилларда бўлиб ўтган Муқанна кўзғолонига нотўғри баҳо берилганини таъкидлаб ўтади: “ Совет даврида тарихчилар , шу жумладан мен ҳам Муқанна бошчилигидаги кўзғолонни озодлик ҳаракати сифатида баҳолаган эдик. Ҳатто 2-жаҳон уруши вақтида Муқанна озодлик рамзи сифатида (1943-йилда яратилган Ҳ.Олимжоннинг “ Муқанна” драмаси назарда тутилмоқда) сахналаштирилган. Аслида эса, кўзғолон бошқача йуналишда борган”. Манбаларни ўргана туриб тарихчи олимнинг фикрларида жон борлигини кўриш мумкин. Тарихда “ Оқ кийимлилар “ номини олган ушбу кўзғолон фақатгина арабларга қарши миллий-озодлик курашигина бўлиб қолмай, ислом дини ғоясига ҳам қарши ғайритабиий вайронкор ғоя ҳам бўлган. Ҳошим ибн Ҳаким тахминан 719-йилда Авестода Моуру номи билан тилга олинган Ўрта Осиёнинг энг қадимий шаҳарларидан бири Марв шаҳри яқинидаги Коза қишлоғида (ҳозирги Туркменистоннинг Байрамали шаҳри яқинида) лашкарбоши Ҳаким оиласида туғилган. Тарихчи Яъқубийнинг айтишича бир кўзи кўр булган, Наршахийнинг ёзишича жуда хунук булганлиги учун юзига парда ташлаб юрган, шу сабабдан ҳам Муқанна дейишган.Матоларга ранг беришни касб килиб олган, кейинчалик билим олишга машғул булиб қадимги олимларнинг кўп китобларини ўқиб, кўзбуямачилик,сеҳргарлик,тилсим илмларини ўрганган. Ғоятда зийрак бўлганлиги учун тез орада юқори лавозимларга кўтарилади. Хуросон (Эроннинг шимолий-шарқий қисмидаги тарихий вилоят) ноиб Абу Муслим даврида лашкарбоши булган , Аздий Абдулжабборнинг вазири лавозимигача кўтарилган.Мана шу даврлардан бошлаб Муқанна ўз ғояларини тарғиб қила бошлайди.Муқаннанинг вайронкор ғояси Маздакийликка асосланган булиб, оламда бўладиган жараёнлар онгли ва бирор мақсадни кўзлаб ҳаракат қилувчи яхшилик, ёруғлик манбаи билан кўр-кўрона ва тасодифий ҳаракатланувчи ёмонлик, қоронғулик (жоҳиллик) манбаи ўртасидаги курашдан иборат. Бу кураш «яхшилик»нинг «ёмонлик» устидан галабаси б-н тугалланади.Айни вақтда бу таълимот уч “ 3 “ (форсча замин,зар,зан)нинг тенглигини талаб қилади. “ Бухоро тарихи “ асарининг муаллифи Абу Бакр Наршахийнинг (899-959) ёзишича пайғамбарлик даъвосини килиб, Бағдодда зиндонга ташланади. Марвга қайтгач одамларни тўплаб “ мен сизнинг ва бутун оламнинг худосиман , халққа ўзимни Одам Ато суратида,кейин Нух суратида,кейин Иброҳим суратида ,кейин Мусо суратида



, сўнг Исо суратида , кейин Мухаммад Мустафо суратида, кейин Абу Муслим суратида кўрсатган зотман “ деб ташвикот олиб бора бошлаган. Аввал Марвда кейинчалик hozirги Қарши, Шаҳрисабз шаҳар, қишлоқларида ўз тарғиботчиларини юбориб кўпчиликни ўз ғояси атрофига бирлаштирди.Шу даврдаги араб халифаси Маҳдий (775-785) “ оқ кийимлилар “ кўзғолонидан хабар топгач Хуросон ноиби Хумайд ибн Кахтабага уни тутишни буюради. Бу вақтда Муқанна ўзининг ўттиз олти одами билан Амударёдан ўтиб Кеш вилоятидаги Сом тоғи тепасидаги мустахкам қалъада ўрнашиб, шу ердан кўзғолонни бошқаради. Халифа Маҳдий 777- йилда Муқаннага зарба бериш учун Нишопурга келди. Хуросон ноиби Маоз ва Ҳирот амири Сайд Хараший бошлик катта қўшин Самарқандга юборилди. Кўзғолончилар билан бўлган жангда араб кўшинлари мағлубиятга учради.

Натижада Маоз Хуросон ноиблигидан истеъфога чиқди. 2 йиллик тўқнашувлардан сўнг Самарқанд таслим бўлди. Сўнгра арабларнинг бирлашган қўшинлари Муқаннага қарши ташланди. Муқанна тарафдорлари карвонларни талаб, қишлоқларни вайрон қилиб қўлаб зарар келтиришган.Бунинг устига ёрдам учун Шарқий Туркистондан туркларни чақириб,ислом динини қабул қилган аҳоли моли-жонини улар учун ҳалол деб ҳукм чиқарган.Оқибатда талончилик мақсадида келган турк аскарлари вилоятларни талаб ,мусулмонларнинг хотин ва болаларини асир қилиб ўлдирганлар.Араблар босқинидан ўзини ўнглаб олмаган Кашқадарё, Бухоро воҳалари яна таланди.Адашиб Муқаннанинг тарафдорига айланганлар ибтидоий жамоа тузумини эслатадиган тартибларга амал қилишган. Ҳатто хотинларини бир-бирларига ҳалол деб ҳисоблашган. Биз озодлик рамзи деб ҳисоблаганимиз “никобдор “ нинг ўзи бу борада ўрناق кўрсатиб қаердаки чиройли аёл булса уни олиб келтирарди.Узоқ давом этган кўзғолон барчани ҳолдан тойдирган, маҳаллий зодагонларнинг кўпчилиги сотқинлик йўлига ўтган. Сом тоғида қароргоҳ қилган Муқанна ўн тўрт йил давомида айш-ишратда ҳаёт кечирган. 783-йилда Хуросон ноиби Саид Хараший Сом қалъасини забт этгач,30 000га яқин “оқ кийимлилар “ араб қўшинларига таслим бўлишган. Муқанна эса ўзининг хотинларини заҳарлаб ўлдиргач ,тарихчилар Ибн ал-Асир ,Гардизийлар ёзишча ўзини ҳам заҳарлаб ўлдирган, Наршахий,Балъамийлар келтиришча ёниб турган тандир ичига ўзини ташлаб ҳалок булган. Унинг ўлим санаси ҳам мунозаралидир.Ўрта аср тарихчиларининг асарларини қиёсий равишда солиштирганда Муқанна ўлими хижрий 163-йилнинг ражаб ойи яъни 780-йилнинг август ойига тўғри келади деб айтиш мумкин.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, бу кўзғолон шу пайтгача биз ишониб келган озодлик ҳаракатларидан бошқача кечган.Бу эса тарихимизнинг қизиқарли ва сирли саҳифаларидан биридир.

2-қисм. “ Муқанна - астроном “.

Тилимизда шундай ибора мавжуд: “ худонинг юзини кўрган”.Одатда бу иборани ўзининг шахсиятини бошқалардан устун қўйганларга нисбатан киноя тарзида айтилади.Биз сўз юритаётганимиз ўзини худога тенглаштирган Ҳошим ибн Ҳаким кўзғолон давомида ўз тарафдорларига “сизга дийдор курсатаман “ деб ваъда берган.

Бу воқеа ўрта аср тарихчилари томонидан кенг ёритилган. Абу Бакр Наршахий “Бухоро тарихи” асарида Мухаммад ибн Жаъфардан ривоят келтиришича “мовароуннахрликлар, турклар ва бошқалардан иборат 50 000 одам ҳисор дарвозасига йиғилиб сажда ва зорий қилиб дийдор қилишни сўрадилар”. Муқанна унинг дийдорига ҳеч ким тоқат қилолмай ҳалок бўлиши ҳақида огоҳлантирса ҳам, одамлар ундан бунини ёлвориб сўрашган. Ниҳоят бир кун белгилангач, Ҳошим ибн Ҳаким ўз хотинларига ойна олиб ҳисорнинг тепасига чиқиб, бир-бирининг рўпарасига туришга, қуёш нурлари ойналарга тушгач қачонки у юзини очса унга қараб ойналарни тўғрилашни буюрган. Кўзлари нурдан қамашган оломон кўрқиб саждага бош қўйишган. Ушбу тарихий парчага муносабат билдирган Озарбайжон республикасидаги Шемаха расадхонаси илмий тадқиқотчиси Рустамов. А бу ҳодисани ҳозирги кундаги қуёш телескопларида фойдаланилаётган оптик тизим деб ҳисоблайди. Умуман Нахшаб кенгликларида ой доимо офтобдан пастда жойлашади. Бир неча кунлар 70-75 градус интервалда булади. Шунинг эсан чикармаслик керакки Муқанна намоёиш этган “оптик томоша” жойлашган жойга яқин Майданак расадхонаси 1967-йилда барпо этилган.

XV асрнинг бошларида яшаб ўтган тарихчи Абд ар-Рашид ал-Бакуви муъжизаларга бағишлаб ёзган асарида бу воқеага тўхталиб ёзган: “Нахшаб-Хуросондаги (аслида Мовароуннахр) машҳур шаҳар. Бу ерда авлиё ва донишмандлар кўп. Ойни қудукдан олиб чиққан Ибн Мукаффа яшаб ўтган. Уни одамлар кўришган ва у ҳақиқий ойга ўхшаган. Уни кўрган одамлар сеҳргарлик деб ўйлашган бўлсада, бу аслида оддий муҳандислик ҳийласи ва ой нурларининг қамашиши яъни қудук тубида симоб билан тўлдирилган тоғора осиб қўйилган. Кейинчалик одамлар шеърлар ва ҳикоялар орқали бунини тилга олишган”. Шунинг эслатиб утишимиз мумкинки қадимда қудуклар илк расадхона вазифасини ҳам ўтаган. Кўз билан кўриш мураккаб бўлган юлдуз ва ойнинг акси қудук тубига тушган. Одамлар кечаси Муқанна қароргоҳи булган Сомга келиб қудук тубида ёркин ой аксини куришган, ой Муқанна қудуғидан чиқаётганлигига ишонилган. Шемаха расадхонаси астрономи Рустамов. А Муқанна ойини изохлар экан қудукда тоғора ичига симоб тўлдириб осиб қўйилган ва осма ип юқоридан айлантирилса суюқ кўзгулар формуласига мувофиқ суюқ кўзгунинг 10 секундга 1 марта тезлик билан айланса фокус масофаси 12.4 м га булади. Агар айланиш тезлиги 2 бараварга ошса оптик кўзлар масофаси 3.1 м тенг бўлади. Шак-шубҳасизки одамлар юқоридан туриб аниқ тасвирни кўришлари учун фокус масофаси қудукнинг чуқурлигига тенг бўлиши керак. Буюк Озар шоири Низомий Ганжавийнинг “Хусрав ва Ширин” достонида, курд файласуф ва шоири Ахмад Хонининг “Мам ва Зин” асарларида Ҳошим ибн Ҳакимнинг муҳандислик иши бадиий жиҳатдан талқин қилинган. Турк тили луғати “Қомуси Усмони” да “моҳи Сом”, “моҳи Кеш”, “Моҳи Муқанна” номли луғовий мақола ҳам бор. XIX аср ўрталарида юртимизга ташриф буюрган венгриялик тарихчи А. Вамбери Муқанна ҳақида тўхталиб ўтади: “Нахшаб ойи. Ўзини пайғамбар деб атаган Ҳошим ибн Ҳаким ўз одамларининг

илтимосига биноан қудуқдан ойга ухшайдиган ёрқин жисм чиқарган. Шундан “ Нахшаб ойи “ ибораси форсийзабон шоирларнинг севимли ўхшатишига айланган ”. Ҳатто аргентиналик ёзувчи Хорхе Борхес “ Марвлик Ҳаким, ниқобдаги буёқчи “асарини ёзган. Юқоридаги фикрлардан Муқаннинг ғоялари гарчи вайронкор руҳда бўлган бўлсада, аммо у астрономик жихатдан замонасидан анча илгарилаб кетгани ўз билимидан атрофига кўпроқ тарафдорларини шакллантириш мақсадида фойдаланганини кўриш мумкин. Бу мавзу бизнингча чуқурроқ илмий тадқиқот талаб қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг расмий очилиш маросимидаги нутқи. Тошкент. 2026-йил 17-март.
2. Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий. Бухоро тарихи. "Bukhara books". Бухоро 2024-йил
3. Ҳ. Зиёев. “ Тарих – ўтмиш ва келажак кўзгусидир “ . Тошкент 2000.